

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
УЗОҚ ШАРҚ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ ТИЛЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК : 809.92-3

ББК : 81.2(5 Инз)

М - 54

МУХТАРОВА МУНИСАХОН МУХУТДИНОВНА

ТАКРОР СЎЗЛАРНИНГ ГРАММАТИК ТАҲЛИЛИ

5A220102 – ЛИНГВИСТИКА МУТАХАССИСЛИГИ (МАЛАЙЗИЯ ТИЛИ)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

диссертация

Илмий раҳбар: доц Акрамжан Каримов

ТОШКЕНТ – 2011

КИРИШ

Ҳозирги пайтда хорижий тилларни ўрганиш, ўргатишга юртимизда катта аҳамият берилмоқда. Бугун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллаб бораётган мамлакатимиз учун, чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажагини қураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукамал билишнинг аҳамиятини баҳолашга ҳожат йўқ.[1] Кейинги йилларда Жанубий Шарқий Осиё минтақасининг йирик давлатларидан бири бўлиб келаётган Малайзия тилини ўрганиш, бу соҳада керакли мутахассисларни тайёрлаш ва шу орқали ўз ўқитувчи ва таржимонларига эга бўлиш масаласи Ўзбекистон учун амалий аҳамият касб этиб бормоқда, буни ҳам ҳукуматимизнинг мамлакатимизда шарқ тилларни ривожлантириш учун ташлаган муҳим қадамлари сифатида баҳоланмоқда.

Сўнгги йилларда мустақил давлатимизнинг Малайзия билан бўлган аълоқалари мустаҳкамланиб бормоқда. Бу ҳамкорлик нафақат иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатлардан, балки ижтимоий соҳада ҳам ўз аксини топмоқда.

Маданий жабҳаларда ҳамкорликни чуқурлаштириш, миллий кадриятларга содиқлик, тарихий-маънавий меросни тиклаш, асраб-авайлаш ва бекаму-кўст келгуси авлодга етказиш; ижтимоий ҳодиса сифатида миллий онгнинг биринчи шарти бўлган тилни сақлаб қолиш, глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ бугунги янгиланишлар даврида тилга тўғри муносабатда бўлиш, бу борада пайдо бўлаётган айрим салбий қарашлар олдини олиш, тилнинг миллий кўзгуси ва кўрки бўлмиш халқ тафаккурининг манбаи бўлган бадий (адабий) тил такомилига эришиш.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш йўлга қўйилган бир пайтда Ўзбекистонда Малайзия тилидан таълим бериш жараёни ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда мавжуд институтларнинг баъзиларида Малайзия тилини ўқитиш жуда ҳам яхши йўлга қўйилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбек ва Малай халқларининг урф-одатлари ҳамда тилларининг баъзи ўхшашликлари, Малай тилини юқори даражада ўрганишни тақозо қилмоқда.

Шу билан бирга Малайзиядан келган ўқитувчиларнинг ўзлари бевосита бизнинг талабаларга дарс бериши бу тилнинг мамлакатимизда чуқур ўрганилишига, Малайзия халқи маданияти, тарихи, санъати ва ҳоказолар ҳақида аниқ тасаввурларга эга бўлишимизга ёрдам беради. Таълим беришнинг замонавий усуллари қўллаш, аудио-видео техникалардан фойдаланиш таълим жараёнини мустаҳкамламоқда, бу эса мазкур тилни ўрганишга қизиқувчиларнинг сонини оширмоқда.

Шу маънода биз ҳам Малайзия тилини юртимизда ривожлантириш мақсадида, институтда олган билимларимиз натижасида муҳим аҳамият касб этувчи “Малай тилида такрор сўзларнинг қўлланилиши” мавзуси бўйича илмий изланиш олиб боришга ҳаракат қилдик.

Мазкур илмий ишимиз “Малай тилида такрор сўзларнинг қўлланилиши” деб номланиб, **ишимизнинг объекти** малай тилидаги такрор сўзлар, яъни отларда, сифатларда ва феълларда такрорий шаклларининг қўлланилишдаги ўзига хосликларини тадбиқ этишдан иборатдир.

Илмий ишимизнинг долзарблиги. Илмий жиҳатдан Малай ва Ўзбек тилидаги такрор сўзларни қиёслаш йўли билан илк бора ўрганилаяпти.

Илмий ишимизнинг мақсади Малай тилидаги такрор сўзларнинг сўз туркумларида ҳосил бўлиши ва қўлланилишидаги ўзига хосликларини қисман ўзбек тили грамматикаси билан қиёсан таҳлил қилишдан иборат.

Малай тилида отнинг такрорий шакли кўплик маъносини ифодалайди, шунингдек, маънони кучайтириш учун қўлланилади. Малай тилидаги такрор сўзларнинг ўрни, аҳамияти, ясалиши ҳақида илмий изланишлар олиб бориш ҳозирги кунда Ўзбек-Малай тилшуносларининг долзарб масалаларидан бири деб ҳисоблаймиз. Чунки, Малай тилида соҳаси бўйича илмий изланиш олиб бориш энди-энди йўлга қўйилмоқда.

Илмий ишимизда қуйидаги вазифаларни ўз олдимизга қўйганмиз:

- Малай тилида такрор сўзларнинг бошқа сўз туркумлари билан қўлланилишини таҳлил қилиш;

- Такрор сўзларнинг турли шакллариининг таркибини аниқлаш;

Ишимизнинг илмий янгилиги. Малай тилидаги такрор сўзларнинг ўрни, аҳамияти ва ясалиши ҳақида илмий изланишлар олиб боориш ҳозирги кунда Ўзбек-Малай тилшуносларининг долзарб масалаларидан бири деб ҳисоблаймиз. Ўзбек тилида илк бор Малай тилидаги такрор сўзларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг қўлланилишидаги ўзига ҳосликларини тадбиқ этаётганимиз ишнинг долзарблигидир.

Малай тили соҳаси бўйича ўзбек тилида амалга оширилаётган илмий изланишлар етарли даражада бўлмаганлиги сабабли, бизнинг ушбу илмий ишимиз келажакда Малай тили соҳасида таълим олувчи ёш авлодга жуда ас kotaди ва Ўзбек-Малай тилшунослари учун ҳам муҳим аҳамият касб этишига шубҳа йўқ.

Илмий ишимизнинг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация материалларидан Малай тилини ўрганиш жараёнида, қўлланма ва дарсликлар тузиш жараёнида, Малай тили лексикологиясини ёритиб берувчи барча соҳаларда, Малай тили грамматикасига оид маҳсус курслар тузишда фойдаланиш мумкин.

Илмий ишнинг методи. Илмий ишимиз таҳлилий, қиёсий-грамматик, ҳисоб-китоб методлари ёрдамида ёритилди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги мазкур мавзукунгача Ўзбек-Малай тилшунослари томонидан кўриб чиқилмаган. Шу сабабли илмий ишимизнинг манбаи сифатида Рус тилидаги «Грамматика малайского языка» номли, Инглиз тилидаги «Malay for everyone» номли, Малай тилидаги “Tatabahasa

Dewan”, “Bahasa Melayu” номли китобларидан фойдаланилди.

Шунингдек, ишда Тошкент давлат шарқшунослик институти, Алишер Навоий кутубхонаси ва Фанлар академияси қошидаги фундаментал

кутубхоналаридан кенг фойдаланилди. Хусусан, ўз ўрнларида малайча-инглизча, инглизча-малайча луғатлардан имкон қадар иш жараёнида фойдаланишга ҳаракат қилинди.

Илмий ишимизнинг тузилиши. Мазкур илмий ишимиз кириш, икки боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида мазкур ишнинг долзарблиги кўрсатилиб, мақсад ҳамда вазифалари белгиланади.

Асосий қисмда Малай тилидаги такрор сўзларнинг тўрт тури ҳақида сўз юритилиб, уларни бошқа сўз бирикмалари билан қўлланилиши ҳақида тўлиқ маълумотлар бериб ўтилган.

Масалан:

Buku(китоб)__ buku-buku(китоблар)

Pena(ручка)__ pena-pena(ручкалар)

Rumah(уй)__ rumah-rumah(уйлар)

Orang(одам)__ orang-orang(одамлар)

Малай тилидаги отларнинг такрорий шакли ўзбек тили грамматикасига мос келади, аммо ўзбек тилида отларнинг жуфт шакллари ҳам мавжуд.

Жуфт ва Такрор шакллар Ўзбек тили грамматикасида алоҳида-алоҳида бўлим бўлсаларда, аммо Малай тилида жуфт сўзни ҳам такрор сўзни ҳам бир термин остида, яъни KATA GANDA деб ўрганамиз.

Сифат ва феълларда ҳам такрор сўзлар қўлланилади. Масалан:

Besar(катта)__ besar-besar(жуда катта)

Kecil(кичкина)__ kecil-kecil(жуда кичкина)

Berlari(югурмоқ)__ berlari-lari(бир неча бор югурмоқ)

Menari(рақс тушмоқ)__ menari-nari(кўп маротаба рақс тушмоқ)

Хулосада киришда қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда яқунланиб, хулосалар баён этилган.

Тадқиқот давомида фойдаланилган адабиётлар ва интернет сайтлар келтириб ўтилган.

Бу ишимизга мисоллар 20дан ортиқ турли текст, бадий адабиёт, халк оғзаки ижоди ва турли луғатлардан танлаб олинган.

Диссертасия пухта ўрганиб чиқиш натижасида танлаб олинган 50дан ортиқ жадваллардаги мисоллар билан бойитилди.

Мавзуни янада кенгрок бойитиш мақсадида, ўзбек, туркий ва уларга кардош бўлмаган бошқа тиллардан далиллар келтирилди.

Мисол учун, Француз олими- шарқшунос Ж.Лени Такрор сўзларни гуруҳларини туркумларга ажрата туриб, сифатларни 2 хил ясаиш имконини ҳисобга олган:

Тўлиқ ва тўлиқсиз.[1]

О.Бётлингнинг такроран ифодаланувчи сўзларнинг маънолари ҳақида кўйидагича сўз юритади: Маънони кучайтириш учун ишлатиладиган такрор сўзлар сифатларда, равишларда, сифатдошларда келиши аффиксациядан фарқ қилади.[2]

Такрор сўзлар ҳақидаги изланишлар ва уларнинг лингвистик моҳиятини очишга тегишли бўлган қатор ишлар туркиётда 80-йилларда пайдо бўла бошлади. Шулар жумласига профессор Дмитриевнинг илк бор бир вақтнинг ўзида ҳам такрор, ҳам жуфт сўзларни ўрганиб чиқиб, туркумларга ажратган илмий ишини киритиш мумкин.[3]

Н.А.Баскаков қорақалпоқ тили юзасидан ўз кузатишларида, шу тилда сўз яшаш усуллари ҳақида сўз юрита туриб, бу ерда турли такрор сўзларни киритиб ўтган,

[1]-Ж.Лени “Грамматика французского языка” М-1965 76бет

[2]-О.Бётлинг (перевод с немецкого) Л-1961

[3]-Дмитреев Н.К. “Парные словосочетание в башкирском языке” Изв. АНСССР, отдел гуманитарных наук Л-1930 12,13бетлар

Баскаков такрор сўзларни 4 гуруҳга бўлиб ўрганган:[1]

1. Кучайтирувчи жуфт-такрор сўзлар.

Тёбе-тёбе(тоғ)

Ойин-ойин(ўйин-ўйин)

2. Йиғувчи такрор сўзлар
3. Турдош маънолардаги такрор сўзлар

Палов-малов

Шара-бара

4. Биринчи бўғини қисқартирилган такрор сўзлар

Тим-тирислик(қоп-қоронғу)

Жавъ-жаракъ

А.Кайдаров уйғур тилида жуфт-такрор сўзлар ва уларнинг ўзига хосликларини кенг масштабда ўрганиб чиқган. У такрор сўзларни ташкил топиш усуллари бўйича системалаштирган ва уларни 4 гуруҳга бўлган:[2]

1-гуруҳ бир хил такрор сўзларни ўз ичига олади, яъни такрор сўз ўзакни икки марта ҳеч ўзгаришсиз такрорланиши натижасида ҳосил бўлади:

Пат-пат, хир-хир, пир-пир...

2-гуруҳ турдош маънодаги такрор сўзлар:

- а) қофиядош такрор сўзлар: **ат-мат, ғиринг-пиринг**
- б) шакли турлича такрор сўзлар: **шалақ-шулуқ, шақир-шуқур**
- с) кесишган такрор сўзлар: **қип-қизил, еп-еник**

3-гуруҳ турдош маъноларни ифодалаш учун қўлланиладиган такрор

[1]-Баскаков Н.А. «Каракалпакский язык» Изд.АН СССР М-1956 185бет

[2]-Кайдаров А. «Парные и поворные слова» Л-1951 17бет

6

сўзларни бириктиради:

Ейлап-ейлап топалмадим

Қарап-қарап кўзум талди

Бора-бора унутти...

Кайдаровнинг мазкур ишида таянч иборалар сифатида жуфт-такрор сўзлар термини ҳам биргаликда ишлатилади.

В.Егоров ўзининг мақолаларидан бирида айтади: “Дунёнинг жуда кўп тилларида сўз ясалишининг энг қадимий ва энг осон усулларидан бири такрор сўздир. Бир ҳил сўзни икки мартаба қайтарилиши яъни, такрор сўз сифат ёки миқдорни орттириш, ҳаракат тезлигини ёки такрорийлиги билан боғлиқдир. [1]

Бир талай тилларда такрор сўзлар хатто отларнинг кўплик даражасини, сифатларнинг оширма даражасини, айирувчи сонлар ва ҳақозоларнинг грамматик категориялари кўрсаткичи ҳисобланади.

Егоров яна такрор сўзларни туркиётда келиб чиқиши ҳақида гапирди: “Такрор сўз туркиётда анчагина кенг учрайди, жумладан, сифатнинг оширма даражасини билдирувчи қадимий шакллар: ширин-ширин асал, очдан-оч, қип-қизил...” [2]

Ўзбек тилшунослигида такрор сўз, жуфт сўз ва қўшма сўзларнинг фарқи боғланмаган ҳолда кўриб чиқилади. Б. Мадалиевнинг “Ўзбек тилида қўшма сўзлар” номли илмий асарида ўзбек тилида такрор сўзларнинг мавжудлиги ҳақида ва улар жуфт сўзлар билан бир-бирига тенг ва қўшма сўзларга маъно жиҳатдан яқинроқ келишини айтиб ўтади. Сўз ясалиши усулида бир ҳил маънога эга бўлган сўзлар қайтарилади ёки маънолари бир-бирига қарама-қарши бўлган сўзлар келади. Бунинг натижасида, умумийлаштирувчи [3]

Егоров В.Г «Словосложение в тюркских языках» Л-1971

[2]-Егоров В.Г «Словосложение в тюркских языках» 1971

[3]-Мадалиев Б.”Ўзбек тилида қўшма сўзлар” Тошкент1972 93бет маънони ифодаловчи такрор сўз ҳосил бўлади: бешта-бешта, бости-бости, ота-она, куч-қувват...

Такрор отларнинг маънолари

От- нутқнинг энг асосий бўлаги ҳисобланиб, дунёнинг барча тилларида такрор сўз бўлиб келиши ва гапда турли маъноларга эга бўлиши мумкин:

1. Кўплик маъноси. – Темир йўл ёқасига арава-арава кетмон, беллар, ломлар, замбиллар таҳланди.(С.Аҳмад)

2. Такрор от предмет ёки ҳаракатнинг солиштирилгандаги ташқи ўхшашлигини ифодалайди. Бу қуйидагича рўй беради:

- Предметнинг ташқи кўриниши солиштирилади. – Сал ўтмай йигит бир даста қоғоз билан кириб келди, пешонасидан маржон-маржон тер қуярди.(С.Аҳмад)

- Шакл ёки аҳволнинг ўзига хослиги таъкидланади. – Ойқиз тоғ-тоғ пахталарга афтун бўлган ҳолда фаҳр билан тикиларди.(Ш.Рашидов)

- Маъжозий маъно. – Қоннинг ҳисоби йўқ, ерга шимилган, ёш ҳам дарё-дарё унинг комида. (О.Матчон). – Эшитдик, олам-олам ҳурсанд бўлдик.(К.Яшин)

3. Такрор отлар предмет миқдори ҳақида тасаввур беради, аниқроғи унинг, бундай такрорий шакл лексик маънони кучайтириб, миқдорнинг

ерно маъносини ифодалайди.- Токча-токча эски, янги уставлар, луғатлар, газета комплеклари...(А.Мухтор)

4. Такрор сўз миқдор маъносини кучайтиради.- Биз мамлакатда донг таратган, том-том китоблар ёзган, бир олимнинг эшигини тақиллатмоқчимиз.(А.Мухтор)

5. Такрор отлармаъжозий маънони ифодалашга ҳам қодир. у шакл т лилиги билан ажралиб туради. Агар такрор сўз гапда маънони кучайтириш учун ҳизмат қилса, шу билан бирга кўчирма маънон ҳам таҳмин қилинади, яъни жонли ижро ва бунда такрор сўзнинг таъсири кучаяди.Такрор

усули билан кўлга киритилган маъжозий маънонинг образлилиги кучаяди ва ёрқинроқ кўринади.-

Бу мавсум меҳнатнинг буюк тақдири,

Ҳовуч-ҳовуч нурга тўла чаноқлар.(Гулистон)

...Азоб-уқубатларни енгдим, тоғ-тоғ; қийинчиликларни шердай енгиб, раҳбар бўлиш ҳуқуқига ўз пешона терим билан эришдим.(Ш.Рашидов)

6. Такрор сўзлар давомийлик ва такрорийликни ифодалайди.- Ҳадеб соқол-соқол дейсиз,- дадам ҳам бўш келмади.(Х.Тўхтабоев)

Ҳадеб конфет-конфет деяверасанми, мен ҳозир конфетни вазаси билан отиб юбораман.(Тошкент оқшоми)

Замонавий Ўзбек тилидаги сонларга бағишланган қатор ишларда, фақатгина бир сонини турли ҳил такрорланиши ҳақида сўз юритилади.[1]

Сўроқ олмошлари такрор сўз сифатида ишлатилганда, кўплик ва кучайтирилган маъноларни ифодалайди.[2]

Ким? Нима? Сўроқ олмошлари такрорланиб келганда кўплик маъносини ифодалайди. Масалан: Нима-нима, сенда юрак ҳам, йигитлик ғурури ҳам қолмабдику, жиян?(Я.Шукуров)

Ким-ким келишади? Ким-ким бораркан?

Қанча, неча, не сўроқ олмошлари ҳам такрор сўз бўлиб келганда кўплик маънони ифодалайди. Масалан: Сиз билмайсиз, Содиқ ака менинг бошимга не-не кунларни солмади?(К.Яшин)

У назарида неча-неча тош йўл босган кўриндию, орқасига қараб беихтиёр ёқасини ушлади.(И.Раҳим)

Кўринг қанча-қанча ишларни бажариб қўйдик.

Феъллар такрор сўз бўлиб келганда ҳаракатнинг давомийлигини, унинг такрорийлигини ва яна ҳаракатнинг яқунланмаганлигини ифодалайди. Масалан: Ҳо-ҳо-ҳо...Қотиб-қотиб кулган бўлдим жўрттага.(Х.Тўхтабоев)

Ёнида кимдир жўзиб-жўзиб хуррак отарди.(Ғ.Ғ"улом)

I-БОБ. ТҰЛА ТАКРОР ВА ЯРИМ ТАКРОР СҰЗЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Малай тилида такроп сўзлар ўзини жуфт ҳолда такропранишидан ҳосил бўлади. Бунда ўзак тўла ҳолда ёки ярим ҳолда такропраниши мумкин. Бундан ташқари ўзакдаги такропранаётган сўзнинг бирор ҳарфи ёки бўғини қофияли ҳолда такропраниши мумкин. Қўшимчали тўла такроп сўзларни ҳам кузатишимиз мумкин. Шунга кўра Малай тилидаги такроп сўзларни 4 гуруҳга бўлишимиз мумкин:

1. **Penggandaan penuh**- Тўла такроп сўзлар
2. **Penggandaan separa**- Ярим такроп сўзлар
3. **Penggandaan berentak** ёки **bersajak**- Қофияли такроп сўзлар
4. **Penggandaan berimbuhan**- Қўшимчали такроп сўзлар

ТҰЛА ТАКРОР СҰЗЛАР

Тўла такроп сўзлар шундай сўзларки, ҳеч қандай ўзгаришларсиз ўзакни яна бир бор қайтариб такроплашдир. Бунда ҳеч қандай қўшимча қўшилмайди.

Pulau-pulau(ороллар)

Buku-buku (китоблар)

Cantik-cantik (жуда гўзал)

Tinggi-tinggi (жуда баланд)

Sungguh-sungguh (жуда кўп)

Tiba-tiba (тўсатдан)

Mandi-mandi (бир неча бор чўмилмоқ)

Minum-minum (бир неча бор ичмоқ)

Mata-mata (шпион)

Laban-laban (ўргимчак)

Kura-kura (тошбақа)

Ўзакда қўшимчаси мавжуд бўлган сўзлар ҳам такрор ҳолда қўлланилиши мумкин, булар қўшимчали такрор сўзлар гуруҳига киритилади.

Масалан:

Pemimpin-pemimpin (бошлиқлар)

Pelatih-pelatih (машқ қилувчилар)

Persatuan-persatuan (жамиятлар)

Kehendak-kehendak (хохишлар)

ЯРИМ ТАКРОР СЎЗЛАР

Ярим ҳолда такрорланувчи сўзлар шундай сўзларки, бунда ўзак иккинчи бор такрорланаётганда биринчи ўзакнинг ярмигина такрорланади ҳолос. Ўзак бирликда ёки ясама сўз бўлиши мумкин. Ярим такрор сўзлар ўзакнинг олдидан ёки орқасидан келиши мумкин. Агарда такрор сўз бирлик маъносида қўлланилса ўзакнинг биринчи бўғини такрорланади ва биринчи такрорлангани ўзакнинг олдидан қўлланилади. Биринчи бўғиндаги унли такрорланганда кучсизланиб, қисқа е унлисига ўзгаради. Масалан:

Laki lalaki lelaki ((эркак киши)

Jari jajari jejari (бармоққа ўхшаш)

Siku sisiku sesiku (тирсакка ўхшаш)

Rambut rarambut rerambut (сочга ўхшаш)

Langit lalangit lelangit (шифтга ўхшаб)

Ярим такрор сўзларда қўшимчали сўз келса такрорланиб келган иккинчи қисми қўшимчасиз ишлатилади. Бундай ҳолатлар кўпинча сифатлар ва феълларда кўзга ташланади. Феълларда бу шакллар ўзакнинг бошида ёки охирида қўлланилиши мумкин.

Биринчи ўзакда қўшимчали феъл қатнашган мисолга диққатингизни қаратинг:

Berlari-lari (югурмоқ)

Mencari-cari (қидрмоқ)

Terdiri-diri (турмоқ)

Sepandai-pandai (ақлли бۆлмоқ)

Қўшимчали ярим такрор сўзларни иккинчи ўзақда ҳосил бўлишига диққатингизни қаратинг:

Kasih-mengkasih (яхши кўрмоқ)

Cinta-mencintai (севмоқ)

Kejar-mengejar (қувламоқ)

Tolong-menolong (ёрдам бермоқ)

Bantu-membantu (кўмаклашмоқ)

ОТЛАРДА ТАКРОР СЎЗЛАР

Отларда ҳам такрор сўзлар учрайди, улар муайян маъноларни англатади. Ҳосил бўлган отлар ясама от, бирликдаги от, кўпликдаги от ва қўшма отлар бўлиши мумкин.

Отларни такрор ҳолда келишини 3 гуруҳга бўлишимиз мумкин, улар:

1. Тўла такрор отлар.
2. Ярим такрор отлар.
3. Қофияли такрор отлар.

ОТЛАРДА ТЎЛА ТАКРОР СЎЗЛАР

Тўла такрор сўзда от такрор ҳолда келганда ўзаги ўзгармайди. Такрорланган отларниг барчаси бирликда, кўпликда, ясама ва қўшма от бўлиши мумкин. Масалан:

1. Бирликда қўлланувчи такрор от.
 - a. Қўшимчасиз қўлланувчи такрор отлар:

Ayat(гап)_ **ayat-ayat**(гаплар)

Budak(бола)_ **budak-budak**(болалар)

Buku(китоб)_ **buku-buku**(китоблар)

Kereta(машина)_ **kereta-kereta**(машиналар)

Sekolah(мактаб)_ **sekolah-sekolah**(мактаблар)

Tadika(боғча)_ **tadika-tadika**(боғчалар)

Cerpen(ҳикоя)_ **cerpen-cerpen**(ҳикоялар)

Bunga(гул)_ **bunga-bunga**(гуллар)

b. –ан орт қўшимчали такрор отлар.

Sayur(сабзавот)_ **sayur-sayuran**(сабзавотлар)

Tepi(саёз)_ **tepi-tepian**(саёзликлар)

Bunga(гул)_ **bunga-bunga**(гуллар)

Panggir(чегара)_ **panggir-panggiran**(чегаралар)

Bayang(соя)_ **baying-bayangan**(соялар)

Biji(уруғ)_ **biji-bijian**(уруғлар)

2. Ясама такрор отлар

Ketua(бошлик)_ **ketua-ketua**(бошликлар)

Pelatih(машғулотчи)_ **pelatih-pelatih**(машғулотчилар)

Tanaman(экин)_ **tanaman-tanaman**(экинлар)

Pertubuhan(жамият)_ **pertubuhan-pertubuhan**(жамиятлар)

Kementerian(вазирлик)_ **kementerian-kementerian**(вазирликлар)

3. Қўшма такрор отлар

Қўшма такрор отлар 2 гуруҳга бўлинади. Биринчи турда қўшма сўзнинг биринчиси такрорланиб келади. Иккинчи турида икки сўзнинг қўшилиши орқали ясалган қўшма сўз тўлалигича такрорланиши лозим.

Масалан:

Kertas kerja(иш қоғози)_ **kertas-kertas kerja**(иш қоғозлари)

Rumah sakit(касалхона)_ **rumah-rumah sakit**(касалхоналар)

Mata pelajaran(дарс)_ **mata-mata pelajaran**(дарслар)

Roda tenaga(ғилдирак энергияси)_ **roda-roda tenaga**(ғилдирак энергиялари)

Jawatan kuasa(комитет)_ **jawatan-jawatan kuasa**(комитетлар)

Suruhan jaya(комиссия)_ **suruhan-suruhan jaya**(комиссиялар)

Tanggung jawab(жавобгарлик)_ **tanggung-tanggung jawab**(жавобгарликлар)

ОТЛАРДА ЯРИМ ТАКРОР СЎЗЛАР

Отлардаги ярим такроп сўзлар асосан биринчи ўзакнинг биринчи бўғини такрорланши орқали ҳосил бўлади. Биринчи бўғинидаги унли ҳарф ўз шаклини е_унлисига ўзгартиради. Масалан:

Langit(шифт)_ **lalangit** _ **lelangit**(шифтга ўхшаш)

Siku(тирсак)_ **sisiku** _ **sesiku**(тирсакка ўхшаш)

Kura(тошбақа)_ **kukura** _ **kekura**(тошбақага ўхшаш)

Laki(эркак)_ **lalaki** _ **lelaki**(эркакка ўхшаш)

Pohon(дарахт)_ **porohon** _ **perohon**(дарахтга ўхшаш)

Такроп ҳолда қўлланувчи отларнинг маънолари.

Такроп ҳолда қўлланилувчи отларнинг камида 5 та маънолари бор.

1. Такроп от қўплик маънони ифодалайди, бирор нарса ёки предметни қўплик микдорини кўрсатади. Масалан:

Meja(стол)_ **meja-meja**(столлар)

Ketua(бошлик)_ **ketua-ketua**(бошлиқлар)

Jabatan(бўлим)_ **jabatan-jabatan**(бўлимлар)

2. Такроп от бирор ҳайвон номини кўрсатиш учун бирлик маъносини ифодалайди. Масалан:

Biri-biri (қўй)

Rama-rama (капалак)

Kupu-kupu (капалак)

Kunang-kunang (ўт пашша)

Kura-kura ёки **kekura** (тошбақа)

Labi-labi yoki lelabi (тиниксув тошбақаси)

3. Такроп от ўхшахслик, бир ҳил кўринишга эга бўлиш маъноларини ифодалайди. Масалан:

Gula_ **gula-gula**\ **gegula** (шакарга ўхшаш)

Kuda_ **kuda-kuda**\ **kekuda** (отга ўхшаш)

Orang_orang-orang (одамга ўхшаш)

4. Такроп от турли хил, ҳар хил турдаги деган маъноларни ифодалайди. Масалан:

Sayur_sayur-mayur (турли хил сабзавотлар)

Kuih_kuih-muih (турли хил пишириклар)

Lauk_lauk-pauk (турли хил таомлар)

5. Такроп от гумон, ноаниқлик маъносини ифодалайди. Масалан:

Apa_apa-apa (ҳеч нарса)

Siapa_siapa-siapa (кимдир)

Mana_mana-mana (қаердадир)

Bila_bila-bila (қачондир)

ОТЛАРДА КАТА GANDA SELURUH (тўла такроп сўзлар)

| | |
|----------------------------|--|
| Anai-anai(чумоли) | Anai-anai itu membuat saragnya di bukit.(чумоли ўз инини Тепаликда қурди) |
| Angan-angan (мақсад, орзу) | Zahid menyimpan angan-angan untuk menjadi jurutera.(Зоҳиднинг учувчи бўлиш орзуси бор) |
| Ating-anting (зирак) | Anting-anting itu sungguh cantik. (Бу зирак жуда чиройли) |
| Biri-biri (қўй) | Pakaiannya itu dibuat daripada bulu biri-biri.(Унинг бу қўйлаги қўй терисидан тайёрланган) |
| Epok-epok | |

| | |
|--|---|
| (кадолат махсулотлари) | Erok-erok enak dimakan ketika panas.(Қандолатчилик махсулотларини иссиғида ейиш мазали) |
| Gula-gula (канд) | Kakak-kakak membelikan adik gula-gula kegearannya. (синглим |
| Jemput-jemput (майдаланган) | укамга ўзи ёқтирган конфетини олиб берди) Rohani sedang menggoreng jemput-jemput pisang. (Роҳани ҳозир |
| Jentik-jentik (чивин личинкаси) | майдаланган бананни қовураяпти) Ubat jentik-jentik itu dimasukkan ke dalam kolam (Чивин личинкасига қарши дори ҳовуз ичига солинди) |
| Kelip-kelip (ялтироқ ёнар пашша) | Terdapat banyak kelip-kelip pada malam hari (Кечқурунлари |
| Kisi-kisi (панжара) | кўп ялтироқ пашшалар бўлади) |
| Kupu-kupu (капалак) | Pak Mail mengupah pekerja itu memasak kisi-kisi di rumahnya. (Жаноб Меил уйига панжара кўйиб берган ишчига пул тўлади) |
| Labah-labah (ўргимчак) | Adik mengajar kupu-kupu yang beterbangan itu (Укам учаётган |
| Laying-layang (варрак) | капалак ортидан қувди) |

| | |
|--------------------------------------|--|
| <p>Mata-mata (шпион)</p> | <p>Bangunan usang itu dipenuhi sarang labah-labah (Бу ташландик бино ўргичак тўрлари билан тўла)</p> |
| <p>Oleh-oleh (сувенир)</p> | <p>Hazami terjatuh ketika hendak mengambil layang-layang yang tersangkut pada dahan pokok. (Ҳазани дараҳт шохларига илиниб қолган варрагини олаётиб йиқилиб тушди)</p> |
| <p>Undang-undang (қонун)</p> | <p>Mata-mata itu diarahkan untuk gerak-geni sindiket wang palsu. (Шпион полициячилар пул ўғрисининг ҳатти-ҳаракатларини кузатиб турарди)</p> <p>Ayah membawa oleh-oleh ketika melawat kenalnnya di Singapura. (Отам Сингапурдаги танишининг олдига борганда соувенир олиб келди)</p> |
| <p>Gegendang (қулоқ пардаси)</p> | <p>Undang-undang jalan raya perlu diperketat untuk mengurangkan kadar kemalangan di Negara itu. (Асосий йўл қоидаси мамлакатдаги баҳтсиз ҳодиса даражасини камайтириш учун мустаҳакам ишлаб</p> |
| <p>Jejantik (чивин личинкаси)</p> | <p>чиқилиши керак)</p> |
| <p>Kekabu</p> | <p>Ayat contoh</p> |

| (капок дараҳти) | Гапларда мисоллар |
|------------------------------------|--|
| Kekisi (панжара) | Doktor Amin sedang memeriksa gegendang telinga. (Шифокор Амин ҳозир касални кулоқ пардасини текшираябди) |
| Lelebah (ўргимчак) | Jejentik membiyak dalam air jernih yang bertakung.(Чивилар ўз личинкаларини кўлмак сувида очадилар) |
| Lelabu (қовоқ) | Ladang seluas lima hektaritu ditanami pokok kekabu. (Беш гектар |
| Lelaki (эркак киши) | жойга капок дараҳти кўчатлари экилди) Pak Daud mamasang kekisi pda tingkap rumahnya. (Жаноб Давуд |
| Lelangit (талай) | уйининг ойналарига панжара ўрнатди) Lelebah ialah sejenis seranasa berkaki lapan. (Ўргимчак |
| Perijat (бурга) | саккиз оёқли ҳашоратдир) |
| Sesiku (бурчакни ўлчовчи асбоб) | Minuman yang disi di dalam lelabu lebih nyaman rasanya. (Қовоқ ичида сақланадиган ичимлик мазалироқ бўлади) Lelaki yang becermi mata itu pensharah di kolej swasta. (Кўзойнак таққан бу киши хусусий колледжда маърузачи бўлиб ишлайди) |

| | |
|--|--|
| | <p>Lelangit adik berdarah kerana tercucuk tulang ikan. (Балик қилтаноғи санчилиб қолгани учун укамнинг талайи қонаб кетди)</p> <p>Dia membakar tilam yang dihingari perijat itu. (У бургага тўлиб кетган кўрпачани ёқиб юборди)</p> <p>Sisiku digunakan untuk mengukur sudut tepat. (Бурчакнинг тўғри эканини билиш учун бурчакни ўлчайдиган асбобдан фойдаланиш керак)</p> |
|--|--|

ЎЗБЕК ТИЛИДА ТАКРОР СЎЗЛАР

Ўзбек тилида отнинг жуфт формаси умумлаштириш, жамлик маъноларини ифодалайди:

Қовун-тарвуз (қовун, тарвуз ва шунгга ухшаш бошқа полиз экинлари),
қозон-тавоқ (қозон, тавоқ ва шунгга ухшаш бошқа ошхона анжомлари).

Жуфт отларнинг баъзилари ма;нони кучайтириш учун ишлатилади. Буларда эса жамлик умумлаштириш ма;нолари кузга яққол ташланади:

Холпошша ойимникида киши келиб, тез юрасиз, деб ҳоли-жонимга қуймай олиб кетди.(Ҳамза)

Қудрат электрни дадасига гапиравериб, колхоз монтери Андрейга югуравериб, уларнинг қулоқ миясини эб ташлади.(Ҳ.Н)

Отнинг такрорий формаси куплок маъносини ифодалайди, шунингдек, маънони кучайтириш учун қўлланади: Колхозимизда омбор-омбор ғалласи...(Ҳабибий). Унинг кузларидан оппоқ соқолига қатра-қатра ёш томар эди.(А.Қ). Ўғит ғўзанинг томир-томирларига сингсин. (Ойбек).

-У.Турсунов, Ш.Мухтаров “ҳозирги ўзбек адабий тили” Тошкент Ўзбекистон -1992йил

СИФАТЛАРДА ТАКРОР СЎЗЛАР

Сифатларда такроп сўзлар асосан 4 усул билан ясалади, булар: тўла такроп сифатлар, ярим такроп сифатлар, кофияли такроп сифатлар, кўшимчали такроп сифатлар.

СИФАТЛАРДА ТЎЛА ТАКРОП СЎЗЛАР

Сифатларда такроп сўзларнинг қўлланилиши жуда осон, яъни ўша сифатни ҳеч қандай ўзгаришсиз такроп-лаш орқали ясалади. Масалан:

Besar-besar (катта-катта)

Kecil-kecil (кичик-кичик)

Tinggi-tinggi (баланд-баланд)

Rendah-rendah (паст-паст)

Panjang-panjang (узун-узун)

Tumpul-tumpul (ўтмас, чарҳсиз)

Bijak-bijak (жуда ақлли)

Hijau-hijau (ям-яшил)

Kuning-kuning (сап-сарик)

Merah-merah (қип-қизил)

Тўла такроп-ланвчи сўзларнинг гапдаги ўрни куйидагича бўлади:

1. **Rumah di Bandar itu besar-besar.** (Бу шаҳардаги уйлар баланд-баланд.)
2. **Buah pokok durian itu kecil-kecil.** (Дуриан дараҳти меваси кичик-кичик бўлади.)
3. **Tinggi-tinggi bangunan di Bandar itu.** (Бу шаҳардаги бинолар баланд-баланд.)
4. **Pokok di kebun bunga itu rendah-rendah.** (Гул боғдаги дараҳтлар кичик-кичикдир.)

Тўла такрор сифатлар ке...ан конфикси билан бирга ҳам қўлланиши мумкин. Ке...ан қўшимчали сифат, ўша сифатга ўхшаш ёки ўша сифатга якин турувчи деган маънони билдради. Масалан:

Kuning (сарик)___ **kekuning-kuningan** (сарғиш)

Merah (қизил)___ **kemerah-merahan** (қизғиш)

Malu (уятчан)___ **kemalu-maluan** (уятчанроқ)

Hijau(яшил)___ **kehijau-hijauan**-яшилга ўхшаҳс

Gila(аҳмоқ)___ **kegila-gilaan**-аҳмоқона

Буларнинг гапдаги ўрни қуйидагичадир:

1. **Warna payunnya kekuning-kuningan.**-Соябоннинг ранги сарғишдир.
2. **Mukanya kemerah-merahan kerana berjemur seharian.**- У кун бўйи қуёшда тобланиб, юзлари қизариб кетди.
3. **Sawah yang terbentang itu kehijau-hijauan.**-Енди куртак чиқарган шолитар ям-яшил кўринди.

СИФАТЛАРДА ЯРИМ ТАКРОР СЎЗЛАР

Ярим такрор сўзлар шндай сўзларки, бунда ўзакнинг ярим қисми такрорланиб келади. Малай тилида ярим такрор сифатлар сони чегараланган. Ярим такрорланувчи сифат ўзакдаги маънони янада кучайтириш вазифасини бажаради. Масалан:

Besar-besaran (катта миқдорда)

Gila-gilaan (ўта аҳмоқ, девона)

Kecil-kecilan (митти)

Takut-takutan (ўта кўрқан)

Буларнинг гапдаги ўрни қуйидагичадир:

1. **Upacara sambutan hari kemerdekaan kali ini diadakan secara besar-besaran.** - Бу галги “Мустақиллик куни” байрами катта миқёсда нишонланди.

2. **Pemuda itu berkelakuan gila-gilaan selepas kematian tunangnya.**-Бу йигит ёрининг вафотидан сўнг девона бўлиб қолди.

СИФАТЛАРДА КАТА GANDA SELURUH (ТЎЛА ТАКРОР СЎЗЛАР)

| | |
|---------------------------------|---|
| Baik-baik (жуда яхши) | Penduduk Taman Seri Angkasa baik-baik.(Таман Сери Ангкаса аҳолиси жуда яхши одамлар) |
| Baru-baru (жуда янги) | Perabot di rumah saya baru-baru belaka.(Уйимдаги жиҳозларим ҳали жуда янги) |
| Besar-besar (жуда катта) | Rumah di kampung itu besar-besar. (Бу қишлоқдаги уйлар жуда катта) |
| Cantik-cantik (жуда чиройли) | Lukisan yang dipamerkan itu cantik-cantik. (Кўрғазмадаги портрет жуда чиройли эди) |
| Comel-comel (жуда ақлли) | Anak kucing peliharaannya comel-comel. (У боқаетган мушук боласи жуда ақлли эди) |
| Enak-enak (жуда мазали) | Makanan yang dijual di restoran itu enak-enak. (Бу ресторанда сотиладиган овқатлар жуда мазали) |
| Gagah-gagah | Majapahit mempunyai pahlawan yang gagah-gagah. (Мажапахитнинг жуда кучли паҳлавонлри бор) |

| | |
|-----------------------------------|--|
| (жуда кучли) | Lembu yang meragut rumput itu gemuk-gemuk. (Ўт еяётган сигир жуда семиз экан) |
| Gemuk-gemuk (жуда семиз) | |
| Handal-handal (жуда тажрибали) | Pemain Badminton Indonesi handal-handal. (Индонезиялик бадминтон ўйинчиси жуда тажрибали) |
| Indah-indah (жуда гўзал) | Bahasa yang digunakan di dalam sejak itu indah-indah.(Бу шеърда ишлатилган сўзлар жуда чиройли) |
| Kaya-kaya (жуда бой) | Menantu Encik Malik kaya-kaya. (Жаноб Маликнинг куёви жуда бой) |
| Kecil-kecil (жуда кичик) | Badan pemain bola pasukan itu kecil-kecil. (Бу футбол командаси ўйинчилари жауда кичкина) |
| Manis-manis (жуда ширин) | Pesakit itu dilarang makan-makanan yang manis-manis. (Касал одамга жуда ширин нарса ейиш таъқиқланади) |
| Marah-marah | Ayah marah-marah sejak pulang dari pejabat tadi. (Отам офисдан қайтганидан буён жуда жаҳли чиққан) |

| | |
|------------------------------------|--|
| (Жуда жаҳлдор) | Mereka menulih mangga yang muda-muda untuk dibuat jeruk. |
| Muda-muda (жуда ёш, пишмаган, хом) | (Улар қуритиш учун ҳали пишмаган манго мевасини танлашди) |
| Nakal-nakal (жуда шўх) | Murid di kelas itu nakal-nakal. (Бу синфдаги ўқувчилар жуда тўпалончи) |
| Panjang-panjang (жуда узун) | Sungai di Negara Tailand panjang-panjang. (Таиланддаги дарёлар жуда узун) |
| Pintar-pintar (жуда ақлли) | Anak Pak Samad pintar-pintar. (Жаноб Самаднинг фарзанди жуда ақлли) |
| Rajin-rajin (меҳнаткаш) | Pekerja di tapak pembinaan itu rajin-rajin. (Бу қурилиш ишчиси жуда меҳнатсевар) |
| Ramah-ramah (жуда саҳий) | Masyarakat orang asli itu ramah-ramah. (Туб аҳоли жуда саҳий) |
| Rapat-rapat (жуда яқин) | Rumah di kawasan itu rapat-rapat. (Бу ҳудуддаги уйлар жуда яқин) |

| | |
|---|---|
| <p>Ringan- ringan (жуда енгил)</p> | <p>Adik menangkut barang yang ringan-ringan saja. (Укам бу нарсани енгиллик билан кўтарди)</p> |
| <p>Sedikt- sedikit (жуда кам)</p> | <p>Dia mencubit pulut kuning itu sedikit-sedikit. (У шолени сарик пўстини кам-камдан ажратди)</p> |
| <p>Sihat-sihat (соғлик- саломатлик)</p> | <p>Abang berharap agar kami sekeluarga sihat-sihat. (Акам оиламиз соғсаломат бўлиши учун тилак билдирди)</p> |
| <p>Susah-susah (жуда қийин)</p> | <p>Soalan yang dikemukakan dalam silan kata itu susah-susah.(У бошқотирмада учратган сўз жуда қийин экан)</p> |
| <p>Tebal-tebal (Жуда қалин)</p> | <p>Buku yang disusuan dirak itu tebal-tebal. (Китоб жавонига қўйилган китоб жуда қалин эди)</p> |
| <p>Tua-tua (жуда қари)</p> | <p>Kata mestilah hormat akan orang tua-tua, (Биз кекса одамларни хурмат қилишимиз шарт)</p> |

СИФАТЛАРДА КАТА GANDA SEPARA-(ярим такрор сўзлар)

Мазкур мавзу буйича етарлича маълумотлар кўтарилмаган. Шу туфайли мисоллар етарли даражада эмас.

СИФАТ

Ўзбек тилида предметнинг белгисини билдирувчи сўзлар сифат дейилади, ва ҚАНДАЙ? ҚАНАҚА? Саволларига жавоб беради.

Кузги(экин), илмий(иш), фидокор(инсон), юмшоқ(нон) кабилардир.

ФЕЪЛЛАРДА ТАКРОР СЎЗЛАРНИНГ

Феълларда ҳам такрор сўзлар кўлланилиши мумкин, бунда ўзак кўшимчасиз ишлатилади.

Феъллар ҳам тўла такрор, ярим такрор, қофияли ва кўшимчали холда келиши мумкин.

ФЕЪЛЛАРДА ТЎЛА ТАКРОР СЎЗЛАР

Такрорланувчи феъл ўзаги тўлалигича такрорланиб келади. Масалан:

Gelak__gelak-gelak (кулмок)

Geleng__geleng-geleng (бошни кимирлатмок)

Baring__baring-baring (оёк узатиб ётмок)

Pulang__pulang-pulang (уйга кайтмок)

ФЕЪЛЛАРДА ЯРИМ ТАКРОР СЎЗЛАР

Ярим такрор холда келувчи феъл шундай феълдирки, у тўла такрор сўздан хосил бўлади. Бунда такрорланиб келаётган феълнинг биринчи қисми қисқартиришдан ясалади. Ўзак кўшимчаси дастлаб такрорланиб келади, ammo иккинчи қисмида кўшимчасиз такрорланиб келади. Масалан:

Berlari-lari (югурмок)

Mencari-cari (кидирмок)

Bertanya-tanya (сурамок)

Pukul-memukul (урмок)

Menari-nari (ракс тушмоқ)

Bermain-main (уйнамоқ)

Kejar-mengejar (кувламоқ)

ФЕЪЛЛАРДА КАТА GANDA SELURUH-(тула такрор сузлар)
